

# **«Минора қуриш экспедицияси» Акциядорлик Жамияти буйича 2017 йил учун тузилган**

## **РЕЖА**

### ***I. ЖАМИЯТ НОМИ, МАНЗИЛГОХИ, ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ***

#### **Жамиятнинг номи:**

Кирилл алифбосида:

Тўлиқ номи: «**Минора қуриш экспедицияси**» **акциядорлик жамияти**

Қисқартирилган номи: «**МҚЭ**» **АЖ.**

Лотин алифбосида:

Тўлиқ номи: «**Minora qurish ekspeditsiyasi**» **aksiyadorlik jamiyati,**

Қисқартирилган номи: «**MQE**» **AJ**

Жамиятнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли: **акциядорлик жамияти.**

Жамиятнинг юридик манзилгоҳи: Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти Карши шаҳри, Шайх-Али қурғончаси Карши-Косон шоссеси 8-км 1-уй. Почта индекси 180120.

«Минора қуриш экспедицияси» **акциядорлик жамияти** 1965 йил 4 апрелида «Минора қуриш экспедицияси» номи билан ташкил этилган.

«Минора қуриш экспедицияси» **акциядорлик жамияти** (келгусида «Жамият» деб номланади) Давлат мулки кўмитасининг “Давлат корхонасини очик турдаги **акциядорлик жамиятига айлантириш тўғрисида**”ги қарорига ва Давлат мулки кўмитаси ҳудудий бошқармасининг 1997 йил 22 декабрдаги 896-сонли буйруғига кўра ташкил этилган.

Жамият юридик шахс ҳисобланиб, амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, “Ўзгеобурғунефтгаз” АҚ қарорлари, буйруқлари ҳамда фармонларига ва мазкур Низомга асосан ўз фаолиятини амалга оширади.

Жамият ўзи томонидан тасдиқланган махсус Низомлар асосида фаолият кўрсатувчи филиаллар ташкил этиши, ваколатхоналар очиши мумкин.

Жамият юридик шахс мақомига эга шуъба (дочерние) ва тобе корхоналарга эга бўлиши мумкин. Жамият ва ушбу корхоналар ўртасидаги ўзаро муносабатлар амалдаги қонун ҳужжатлари ва мазкур уставга кўра тартибга солинади.

Жамият ўз баланси, банкда ҳисоб-китоб ва бошқа счетларга ҳамда давлат тилида ўз фирма номи тўлиқ кўрсатилган муҳр, номи ва жойлашган манзили тўлиқ кўрсатилган тамгага эга.

Жамият, шунингдек, Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган фирма бланкаси, эмблема, товар белгиси ва бошқа белгиларга эга.

Банк реквизитлари : Х/раками 20210000600516511001 МФО 00854

ИНН 200697734 ОКОНХ 85130.

Жамият юридик шахс ҳуқуқини қонуний руйхатдан ўтгандан сўнг олади ва фаолият кўрсатиш муддати чегараланмайди.

### ***II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА ЙУНАЛИШЛАРИ***

#### **Жамият фаолиятининг мақсади:**

- Ўзбекистон Республикаси товарлар ва хизматлар бозорини тўлдириш;
- янги иш ўринлари ташкил этиш эвазига аҳолининг бандлик муаммосини ҳал этишда хамкорлик қилиш;

- ўз фаолияти натижасидан фойда олиш;

**Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар саналади:**

- “Бизнес режа” нинг бажарилиши, ўзининг фаолиятини режалаштириш;
  - “Ўзгеобурғунегфгаз” АК тамонидан казиладиган нефт ва газ кудуклари қурилишида ишлатиладиган барча бургулаш минораси ва усқуналарини булаклаш, ташиш ва қуриш ишларини олиб боради;
  - “Ўзбекнефтгаз” Миллий Холдинг Компанияси таркибидаги барча нефт ва газ қонлари кудуклари қурилишида шартнома асосида баргулаш минораси ва усқуналарини булаклаш, ташиш ва қуриш ишларини олиб боради.
  - шартнома асосида Ўзбекистон Республикасидаги фаолият кўрсатаётган чет эл қўшма қорхоналари билан иш олиб бориш ва ишлаб топилган маблағни (сўм ёки чет валютаси ҳисобида) жамият моддий техника базасини ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида эркин равишда фойдаланиш;
  - Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида нефт маҳсулотларини биржа орқали сотиб олади ;
  - барча ташкилот, қорхона, бирлашма давлат ва шахсий фирмалар билан мустақил ўзаро шартномалар тузиш;
  - уз фаолияти доирасида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги, аварияларни олдини олиш, нефт ва газ скважинларида фаввораларга йўл қўймаслик ҳамда ёнғин хавфсизлиги ишларини бориши бўйича мониторинг олиб бориш;
- Жамият «Бизнес режа» синининг бажарилиши юзасидан ўзининг юқоридаги асосий вазифаларини бажариш билан бирга, қуйидаги фаолиятлар билан ҳам қўшимча равишда шуғулланади:
- шартнома битимлар асосида кишлоқ хужалиги ва чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш;
  - талаб ва таклифларга қура аҳоли, қорхоналар, ташкилотлар ва бошқа хужалик юритувчи субъектларга пулик савдо-тижорат, транспорт, қурилиш, таъмирлаш, техник ва маиший хизмат қурсатиш фаолиятини ташкил этиш;
  - савдо-харид, савдо воситачилик ва комиссия хамда прокат хизматларини ташкил этиш;
  - электротехника лаборатория, бургулаш қурилмаларида ва бошқа объектларда сошлаш ва синов ишларини олиб боради;
  - махсус техника ва автотранспорт хизмати қўрсатиш;
  - автомобилларга техник хизмат қурсатиш;
  - ёрдамчи хўжалик ташкил этиш ва шу хўжаликда дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш;
  - биржа ва ярмаркаларда хом-ашё, полуфабрикатлар, машина ва механизмлар ва бошқа турдаги маҳсулотларни сотиб олиш хамда алмаштириш;
  - қушма қорхоналар ташкил этишда иштирок этиш;
  - ишлаб чиқаришни ривожлантириш йулида ташкилий иқтисодий фаолият билан шуғулланиш, экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш;
  - Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига зид бўлмаган, аҳоли эҳтиёжи ва жамият учун фойдали бўлган хар қандай хужалик фаолиятини амалга оширади;
  - қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш;
  - жамият махсус рұхсатнома(лицензия) талаб қилинадиган фаолиятини амалга ошириш учун тегишли махсус рұхсатнома (лицензия)лар олингандан сунг ушбу фаолиятини амалга оширишга ҳакли;

### III. УСТАВ ФОНДИ

Устав фондининг микдори 7 761 600 000 (Етти миллиард етти юз олтмиш бир миллион олти юз минг) сўмни ташкил этиб, Жами 32 340 000 дона акцияларга бўлинган.

Жамият акциялари куйидагича тақсимланган:

- Жисмоний шахслар улуши 1 560 857 760 сўм, 6 503 574 дона акцияга бўлинган, Устав фондининг 20,11 фоизини ташкил қилади;

- Юридик шахслар устав фондига берилган давлат улуши 6 200 742 240 сўм, 25 837 426 дона акцияга бўлинган, устав фондини 79,89 фоизни ташкил қилади;

Ҳар бир акциянинг номинал қиймати 240 (икки юз қирқ) сўмни ташкил қилади.

### IV. 2017 ЙИЛДА КУТИЛАЁТГАН РЕЖА КУРСАТКИЧЛАРИ

Жамиятимизнинг 2017 йилдаги асосий мақсад ва вазифалари Республикамиз Президенти ва давлатимиз нефт ва газ мустақиллигига эришиш йулидаги самарали ишларига ўз камтарона хиссаларини қўшиш ҳамда мамлакатимиз нефт ва газ захирасини бойитишдан иборатдир.

Жумладан 2017 йилда жамиятимиз томонидан 92 та бурғулаш минораларини куриш ва кучириш режалаштирилган. Жами режадаги бажарилиши лозим бўлган иш хажми 50 млрд.900 млн.сўмни, режалаштирилаётган соф фойда микдори 1 млрд.990 млн.сўмни ташкил этиб ушбу вазифаларни ўз вақтида ва тўлиқ хажмда бажарилишини таъминлаш юзасидан йиллик чора-тадбирлар дастури тузилган.

2017 йилда бажарилган соф фойданинг тақсимооти ҳисоб-китоби  
минг сумда

1	Устав фонди (100 %)	<b>7 761 600</b>
2	- акциянинг номинал қиймати (сум)	<b>240</b>
3	-проспект бўйича акциялар сони (дона)	<b>32 340 000 дона</b>
	- Устав капиталига берилган акциялар сони	
	-Юридик шахсларга	25 846 000 дона
	- Жисмоний шахсларга	6 494 000 дона
6	Баланс фойда	1 155 405
7	Фойда солиги ва бошка туловлар	327
8	Соф фойда	827 031
9	Махсус фондлар :	
	-уй турар жой фонди	40 524
	-бошка фондлар	
10	-Дивидент тўловига йуналтирилгин сумма	32 340
11	- Жамгарилган фойдага йуналтирилган сумма	754 167

- бир дона акция учун 32 340 000 сум : 32 340 000 дона = 1 сум

ДИВИДЕНТЛАР ТАҚСИМОТИ 2017 ЙИЛ УЧУН

		сўмда
1	Жисмоний шахслар улуши бўйича	6 494 000 x 1 =6 494 000
2	Юридик шахсларга	25 846 000 x 1 =25 846 000
	Жами :	32340000 x 1 = 32 340 000

Режа ва иқтисод булими  
бошлиғи:

Мухторов Х.Х.